

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ

The Light of Islam

ISLOM ZIYOSI ضياء الإسلام



2-сон 2023 йил

Tahrir hay'ati:

Kamilov M. t.f.n.

(bosh muharrir)

Maxsudov D. t.f.d., dot.

(bosh muharrir o'rinbosari)

Islomov Z. fil.f.d., prof.

Hasanov A. t.f.d., prof.

Muhamedov N. t.f.d., dot.

(mas'ul kotib, muharrir)

Gafurova I. t.f.f.d. (PhD)

(nashr uchun mas'ul, muharrir)

Ismailova Y. t.f.n., dot. (PhD)

(rus va arab tili muharriri)

Sonmas Kutlu. DSc on Islamic Theology. Ankara State University, Professor of Theology Faculty. Turkey academic2011@gmail.com

Peri Benedek. DSc on Oriental Studies. Director of the Faculty of Humanities of the Institute of Oriental Studies under the Eötvös Loránd University of Hungary. Hungary torok@btk.elte.hu

Ashirbek Muminov. Doctor of Historical Sciences, Professor. IRCICA, Kazakhstan Muminov9703@yahoo.com

Rafik Muhametshin. Doctor of Political Sciences, Professor. Rector of Russian Islamic Institute, Russia rafikm@mail.ru

Daniyar Mavliyarovich Abdrakhmanov. PhD of Historical Sciences. Rector of the Bulgarian Academy daniyar.abdrakhmanov.m@gmail.com

Max Scherberger. PhD in Islamic Studies. Germany maxscherberger@yahoo.de

Amir Navruzov. Candidate of historical sciences, Dagestan, leading researcher of the Institute of History, Archeology and Ethnography of the Daghestan Federal Research Center of the Russian Academy of Sciences, anavruzov@rambler.ru



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 12.06.2023 йилдаги 03-07/4674-сонли хулосаси асосида тайёрланди.

МУНДАРИЖА

ТАРИХ

N.Mukhamedov. Ходжа Ахрар – сторонник мира и согласия между людьми	4
Z.Zinatullayev. Сомонийлар давлати исломга асосланган маҳаллий бошқарувнинг илк намунаси сифатида	11
A.A.Yuldashev. XX аср бошларида Туркистон ёшлари ва уларнинг хорижда таълим олиш тарихидан	22
A.Umarov. О высших школах традиционной системы образования Туркестана (1867-1920 гг.).....	31
P.S.Rajapov. Saljuqiylar davri tarixi yoritilgan oʻrta asrlarga oid manbalar tahlili	38

ДИНШУНОСЛИК

O.Ernazarov. Мин даври хитойида исломий таълим хусусиятлари	47
M.Abdullayeva, I.Nigʻmatullayev. Kibermakonda xristianlikka oid diniy jarayonlarni oʻrganishning ilmiy asoslari.....	55
B.A.Roʻzaliyev. “Дин” сўзининг луғавий маъноси	62

ТИЛШУНОСЛИК ВА МАНБАШУНОСЛИК

A.Nigʻmonov. “Hibatu-l-Haqoyiq”da kelgan bilim mavzusidagi toʻrtliklarning mazmuniy va shakliy tahlili	73
M.M.Kadyrova. Методы преподавания арабского языка как иностранного	82
V.Mamadjanova. Заимствования в экономической сфере современного литературного арабского языка	91

“ДИН” СЎЗИНИНГ ЛУГАВИЙ МАЪНОСИ**СЛОВАРНОЕ ЗНАЧЕНИЕ СЛОВА
“РЕЛИГИЯ”****DICTIONARY MEANING OF THE WORD
“RELIGION”**

RO‘ZALIYEV Bexzodjon Avazjonovich,
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN

Deputy Dean of the Faculty of Islamic Economy and
International Relations

behzodjonruzaliev@gmail.com

behzodjonruzaliev@mail.ru

11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan

DOI: 10.47980/PAU/2023/2/8

Аннотация. Ушбу мақолада “дин” сўзининг лугавий маъноси араб тилидаги ишончли ва нодир лугатлар, девонлар ҳамда ислом динининг муқаддас китоби – Қуръони каримдан фойдаланиб, батафсил ўрганилди ва атрофлича таҳлил этилди.

Инсоният тарихининг қайси бир даврига назар ташланмасин, ҳеч қачон диний эътиқодлардан узоқ биронта жамият мавжуд бўлгани кўрилмайди. Археологик қазилмалар шуни тасдиқламоқдаки, инсон доимо муайян эътиқод ва ишончга эга ҳолда яшаб ҳаёт кечирган. Бу эса жамият маънавий ҳаётини оёқда тутадиган асосий таянчларнинг аввалида диний дунёқараиш жой олишини кўрсатади. Инсоният тарихи ва башиарият ҳаётининг ажралмас асоси бўлган “дин” – сўзи нима ўзи, унинг келиб чиқиши ва қандай маъноларни билдиришини ўрганиш, уни тўлиқ қамраб олишда муҳим ўрин тутайди.

“Дин” араб тилида феъл шаклида – бўйин эгмоқ, бўйсунмоқ, итоат этмоқ, итоат қилмоқ, камситилмоқ, хўрланмоқ, азиз бўлмоқ, камситмоқ, хўрламоқ, эга бўлмоқ, соҳиб бўлмоқ, хизмат қилмоқ, эҳсон қилмоқ, бир кишини завқланадиган ва яхши кўрадиган нарсага йўлламоқ, ҳисоб-китобга тортмоқ, жазо ёки мукофот бермоқ, қарз бермоқ, қарз олмоқ каби маъноларни ифодалайди. От шаклида эса, дин, миллат, ислом, мазҳаб, йўл, урф-одат, ҳол-аҳвол, ҳисоб-китоб, мол-мулк, ҳукм, қазо ва қадар, чора-тадбир, итоат, ибодат, шариат, имон, тақво, салтанат ва бошқарув, хизмат, устун келиш, ҳокимият, хорлаш, мажбурлаш, жазо, бадал-эваз-ҳақ, мукофот, доимий ёғадиган ёмғир, бўйсунуш, касаллик, галаба, йўқ қилиш, қайгу-алам, истило қилиш, тавҳид каби маъноларни билдиради.

Феъл ва от шаклида Қуръони каримда келган маъноларни тўртта асосий гуруҳда жамлаш мумкин: Биринчиси, энг олий қудратга таслим бўлиш, итоат этиш, бўйин эгиш маъносида; Иккинчиси, охират, мукофот ва жазо, яъни амалларга яраша мукофот ёки

жазо бериш кунли маъносида; Учинчиси, ҳукм, адолат, шариат ва қонун маъносида; Тўртинчиси, Аллоҳ таоло юборган тавҳид дини маъносида.

Мақолада “дин” сўзининг лугавий маънолари диний манбалар, лугатлар ва турли адабиётлар асосида таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: дин, итоат, ибодат, ҳисоб-китоб, жазо, мукофот, шариат, миллат, мазҳаб, ислом дини.

Аннотация. В данной статье было изучено и тщательно проанализировано словарное значение слова “религия” с использованием надежных и редких арабских словарей, диванов и священной книги ислама Священного Корана.

На какой бы период человеческой истории мы бы не взглянули, мы бы нигде не смогли обнаружить наличие общества, далекого от религиозных верований. Археологические раскопки подтверждают, что люди всегда жили с определенными верованиями и религиозными воззрениями. Это свидетельствует о том, что религиозное мировоззрение всегда сопутствует основным столпам, поддерживающим духовную жизнь общества. Изучение того, что такое слово «религия», являющееся неотъемлемой частью человеческой истории и человеческой жизни, его происхождения и значения, имеет большое значение для его полного освещения и понимания.

“Религия” в форме глагола на арабском языке означает “кланяться”, “повиноваться”, “не подчиняться”, “быть униженным”, “презирать”, “быть дорогим”, “уменьшать”, “презирать”, “владеть”, “обладать”, “служить”, “дарить”, “направлять к тому, что нравится” и “нравится”. Кроме того оно имеет такие значения, как “привлекать к ответственности”, “наказывать” или “вознаграждать”, “давать взаймы”, “брать взаймы”. В форме существительного это слово переводится как “религия”, “нация”, “ислам”, “мазҳаб”, “путь”, “обычай”, “положение”, “расчет”, “свойство”, “суд”, “наказание”, “мера”, “повиновение”, “молитва”, “шариат”, “вера”, “благочестие”. Также оно означает “владычество и правление”, “служение”, “превосходство”, “власть”, “унижение”, “принуждение”, “наказание”, “компенсация”, “награда”, “постоянный дождь”, “подчинение”, “болезнь, победа, разрушение”, горе, “завоевание”, “единобожие”.

Значения, которые появляются в Коране в форме глаголов и существительных, можно свести к четырем основным группам: первая группа означает “подчинение”, “повиновение”, “преклонение перед высшей силой”; вторая группа переводится как “будущая награда и наказание”, то есть “день награды или наказания за деяния”; третья группа имеет значение суда, справедливости, шариата и закона; четвертая – это значение религии единобожия, ниспосланного Аллахом.

Ключевые слова: религия, послушание, молитва, расчет, наказание, награда, шариат, нация, секта, ислам.

Abstract. In this article, the dictionary meaning of the word «religion» was studied and thoroughly analyzed using reliable and rare Arabic dictionaries, divans, and the holy book of Islam, the Holy Qur'an.

No matter what period of human history one looks at, it is never seen that there was a society far from religious beliefs. Archaeological excavations confirm that people have always lived with certain beliefs. This shows that the religious worldview takes place before the main pillars that support the spiritual life of the society. Studying what the word «religion» is, which is an integral basis of human history and human life, its origin and what it means, takes an important place in its full coverage.

“Deen” in Arabic as a verb means to bow down, obey, be humiliated, despise, be dear to, belittle, despise, own, possess, serve, bestow, direct one to what one enjoys and loves, represents such meanings as to bring to account, to give punishment or reward, to lend, to borrow. In the form of a noun it has following meanings: religion, nation, Islam, sect, way, custom, situation, calculation, property, judgment, punishment, measure, obedience, prayer, Sharia, faith, piety, kingdom and rule, service, superiority, power, humiliation, coercion, punishment, compensation, reward, constant rain, submission, disease, victory, destruction, sorrow, conquest, monotheism.

The meanings that appear in the Qur'an in the form of verbs and nouns can be summarized in four main groups: The first one means surrendering, obeying, bowing to the highest power; The second is in the sense of the hereafter, reward and punishment, that is, the day of reward or punishment according to deeds; The third is in the sense of judgment, justice, sharia and law; The fourth is the meaning of the religion of monotheism sent by Allah.

Whoever believes and obeys Allah, believes and obeys His Messenger as well. Whoever believes and obeys the Messenger of Allah, believes and obeys the Companions, subordinates, mujtahid scholars as well. Whoever believes and obeys the scholars of the people of the Sunnah, obeys No'man bin Thabit Imam Azam Abu Hanifa, Abu Mansur Muhammad Imam al-Moturidi. Whoever obeys the school of Abu Hanifa in prayer and treatment and the school of Imam al-Maturidi in faith and obeys the two schools, obeys and complies the office of the Muslims of Uzbekistan as well. Whoever obeys our official imams, obeys and complies his parents as well. Whoever obeys and complies his parents, will be on the way to find Allah's approval.

The article analyzes the dictionary meanings of the word “religion” based on religious sources, dictionaries and various literature.

Key words: religion, obedience, prayer, calculation, punishment, reward, Sharia, nation, sect, Islam.

КИРИШ

Дунё илм-фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган аждодларимизнинг бебаҳо меросини ўрганиш, кўп асрлик миллий ва диний қадриятларимизни асраб-авайлаш борасида сўнгги йилларда мамлакатимизда ташкил этилган Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Мир Араб олий мадрасаси, Имом Бухорий, Имом Термизий

ва Имом ал-Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказлари фаолиятида кўришимиз мумкин.

Диний-маърифий соҳадаги фаолият самарадорлигини ошириш бой илмий-тарихий меросимизни ўрганиш ва тарғиб қилиш, шу билан бирга, дунёда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар ва ижтимоий-сиёсий вазиятнинг таҳлилини тақозо этмоқда.

Маърифатпарварлик, меҳр-мурувват, бунёдкорлик, бағрикенглик каби эзгу фазилатлар ва миллий қадриятларимизни кенг тарғиб қилиш, жамиятда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда диний-маърифий соҳани чуқур тадқиқ этиш аҳамиятини оширади.

Инсоният тарихининг қайси бир даврига назар ташланмасин, ҳеч қачон диний эътиқодлардан узоқ бир жамият мавжуд бўлгани кўрилмайди. Археологик қазилмалар шуни тасдиқламоқдаки, инсон доимо муайян эътиқод ва ишончга эга ҳолда яшаб ҳаёт кечирган. Бу эса жамият маънавий ҳаётини оёқда тутадиган асосий таянчларнинг аввалида диний дунёқараш жой олишини кўрсатади.

Инсоният тарихи ва башарият ҳаётининг ажралмас асоси бўлган “дин” – сўзи нима ўзи, унинг келиб чиқиши ва қандай маъноларни билдиришини ўрганиш, уни тўлиқ камраб олишда муҳим ўрин тутди.

УСЛУБЛАР

Дин арабча сўз экани барчага маълум ҳақиқат. Лекин, дин тушунчасини тўлиқ англаб олиш учун, уни луғавий жиҳатдан феъл ва исм маъноларини алоҳида-алоҳида олиб ўрганиб ва таҳлил қилиш лозим. Бунда араб тилидаги ишончли ва нодир луғатлардан фойдаланилди. Шунингдек, ислом динининг муқаддас манбаи Қуръони каримдан ҳам фойдаланилди.

НАТИЖА

Дин луғатда қандай маънони билдиради ва қайси феълдан ҳосил қилинган? Бу саволга батафсил жавоб бериш учун мавжуд араб тилидаги изоҳли луғатлар, тилшуносликка оид китоблар, Қуръони карим ва ҳадислардаги ғариб сўзлар изоҳли луғатлари каби ишончли ва нодир манбаларга мурожаат қилинди.

Ибн Форис ўзининг “Муъжам мақойис ал-луғат” асарида “дин (دين) ўзаги “да:л” ва “йа:” ва “ну:н” ҳарфларидан таркиб топган сўз бўлиб, “бўйсунуш, бўйин эгиш, итоат этиш” маъносини ифодалашини айтиб ўтади (Ибн Форис, 1979:319)

Ал-Азҳарий “Таҳзиб ал-луғат”, Ибн Манзур “Лисан ал-араб”, ал-Файрузободий “Ал-Қомус

ал-муҳит”, Абу Наср ал-Жавҳарий “Ас-Сихаҳ таж ал-луғат ва сихаҳ ал-арабиййа”, ат-Тонахий “Мин асрор ал-луғат фи ал-китаб ва ас-сунна”, Ибн Асир ал-Жазарий “Ан-Ниҳоя фи ғариб ал-ҳадис вал асар”, Аллуш “Ал-Жомий фи ғариб ал-ҳадис”, Жуброн Масъуд “Ар-Роид муъжам луғавий асрий”, Рейнхарт Дузий “Такмила ал-маъъжим ал-арабиййа”, Аҳмад Абу Ҳаққо бошчилигидаги мутахассилар жамоаси томонидан тайёрланган “Муъжам ан-нафаис ал-кабир”, Араб тили академияси томонидан тайёрланган “Ал-Муъжам ал-важиз” ва “Ал-Муъжам ал-васит”, Луис Маълуф “Ал-Мунжид фи ал-луғут ва ал-адаб ва ал-улум” каби асарларда “дин” – “دَان” “يَدِينُ” феълидан ясалган бўлиб “бўйсунмоқ, бўйин эгмоқ, итоат қилмоқ, итоаткор бўлмоқ, камтарлик ва тавозеъ кўрсатмоқ, сўзига кирмоқ, тобе бўлмоқ, измида бўлмоқ, ниманидир бажаришга тайёр бўлмоқ” маъноларни билдириши баён қилинган (Ал-Азҳарий, 1976:184) (Ибн Манзур, 1968:166-171) (Ал-Файрузободий, 2008:582) (Абу Наср ал-Жавҳарий, 2009:396-397) (Ат-Тонахий, 2008:677) (Ибн Асир ал-Жазарий, 1963:148) (Аллуш, 2001:411-412) (Абу Ҳаққо, 2007:626) (Жуброн, 1992:353) (Ал-Важиз, 1989:241) (Ал-Васит, 2004:307) (Дузий, 1981:464) (Луис Маълуф, 1970:231).

Зайнуддин ар-Розий “Мухтар ал-сихоҳ”, Аҳмад “Ал-Муъжам ал-мавсуий ли алфаз ал-Қуръон ал-карим ва қироатиҳи”, Солиҳ ал-Алий ва Сулаймон ал-Аҳмад “Ал-Муъжам ас-Софий фи ал-луғат ал-арабиййа” китобларида “ибодат қилмоқ, қуллик қилмоқ, сиғинмоқ, бандалик қилмоқ, ўзи учун дин танламоқ, ўзи учун дин қилиб олмоқ” маъноларида келиши таъкидланади (Зайнуддин ар-Розий, 1986:91) (Аҳмад, Ал-Муъжам ал-мавсуий ли алфаз ал-Қуръон ал-карим ва қироатиҳи, 2002:187) (Солиҳ ал-Алий, Сулаймон ал-Аҳмад, 1981:180).

Ал-Фароҳидий “Китаб ал-айн мураттаб ала хуруф ал-муъжам”, аз-Забийдий “Таж ал-арус мин жавахир ал-қомус” каби мўътабар манбаларда “кимнидир қилган ишига яраша ажр бермоқ, мукофотламоқ, тақдирламоқ, жазоламоқ, жазо бермоқ, жазога тортмоқ” маъноларида қўлланилиши ифодаланади (Ал-Фароҳидий, 2003:61-62) (Аз-Забийдий, 2001:52).

Куроъ “Ал-Мунажжаду фи ал-луғат”, ал-Файйумий “Ал-Мисбаҳ ал-мунир” ва “Ал-Мисбаҳ ал-мунир фи ғариб аш-шарҳ ал-кабир ли ар-Рофииъ”, ал-Бустаний “Муҳит ал-муҳит қомус мутоввал ли ал-луғут ал-арабиййа”, аз-Забийдий “Ат-Такмилату ва аз-зайлу ва ас-силату лима фата соҳиб ал-қомус мин ал-луғат”, аз-Завий “Мухтар ал-қомус” ва “Тартиб ал-қомус ал-муҳит”, Иброҳим “Муъжам ал-мусталаҳат ал-ислабиййа фи ал-мисбаҳ ал-мунир”, Аҳмад “Муъжам ал-луғат ал-арабиййа ал-

муъасиро”, Руфаил Нахла “Қомус ал-мутародифат ва ал-мутажанисат” асарларида “дин” – “دَان ب” “يَدِينُ” феълидан ясалган бўлиб “динга қирмоқ, динни қабул қилмоқ, бирор нимани дин қилиб олмоқ, бирор динга эътиқод қилмоқ, бирор таълимотни дин қилиб олмоқ, ибодатга бағишламоқ, дини ва эътиқодида қатъиятли бўлмоқ, тақводор (диндор, художўй) бўлмоқ, Ислом динига эътиқод қилмоқ” маъносини билдиради деб келтирилган (Куроъ, 1988:202) (Ал-Файйумий, 1982:205) (Ал-Бустаний, 1987:301) (Аз-Забийдий, 1996:239) (Аз-Завий, 1988:224) (Ал-Файйумий, 1987:78) (Аз-Завий, 1990:242) (Иброҳим, 2002:96) (Аҳмад, 2008:795) (Руфаил Нахла, 1957:69).

Ибн Форис “Муъжам мақойис ал-луғат”, Ибн Сайда “Ал-Муҳкам ва ал-муҳит ал-аъзам”, Муҳйиддин Абдулҳамид ва Абдуллатиф Ас-Субкий “Ал-Мухтар мин сихаҳ ал-луғат” асарларида эса, “дин” – “دَان ل” “يَدِينُ ل” феълидан ясалган бўлиб “бўйсунмоқ, бўйин эгмоқ, итоат қилмоқ, итоаткор бўлмоқ, итоаткорлик қилмоқ, сўзига кирмоқ, тобе бўлмоқ” маъносида ишлатилиши айтилади (Ибн Форис, 1979:319) (Ибн Сайда, 2000:399) (Муҳйиддин Абдулҳамид, Абдуллатиф Ас-Субкий, 1987:172).

Шунингдек, “Таж ал-арус мин жавахир ал-қомус”, “Таҳзиб ал-луғат”, “Лисан ал-араб”, “Муҳит ал-муҳит қомус мутоввал ли ал-луғут ал-арабиййа”, “Ас-Сихаҳ таж ал-луғат ва сихаҳ ал-арабиййа”, “Ал-Мисбаҳ ал-мунир фи ғариб аш-шарҳ ал-кабир ли ар-Рофииъ”, “Ал-Мисбаҳ ал-мунир”, “Ал-Қомус ал-муҳит”, “Мин асрор ал-луғат”, “Тартиб ал-қомус ал-муҳит”, “Такмила ал-маъъжим ал-арабиййа”, “Ар-Роид муъжам луғавий асрий”, “Муъжам ан-нафаис ал-кабир”, “Ал-Мунжид фи ал-луғут ва ал-адаб ва ал-улум”, Ибн Дурайд “Китаб жамҳара ал-луғат”, ал-Муторрозий “Ал-Муғриб фи тартиб ал-муъроб”, ас-Соғоний “Ат-Такмилату ва аз-зайлу ва ас-силату ли китаб таж ал-луғат ва сихаҳ ал-арабиййа” каби манбаларда “دَان” “يَدِينُ” феъли ўтимли шаклда ёки “ب” ва “ل” қўмакчилари(харфи жаррлар) билан ўтимсиз шаклда келганида қарз олмоқ, қарздор бўлиб қолмоқ, қарзи қўп бўлмоқ, қарзга бермоқ, ўзини қарздор санамоқ, бўйсундирмоқ, итоат қилдирмоқ, ўзини итоат остига олмоқ, камситмоқ, камситилмоқ, таҳқирламоқ, таҳқирланмоқ, хўрламоқ, хўрланмоқ, хўр бўлмоқ, қулга айлантириб хушламаган нарсасига мажбурламоқ, (ўзини) хушламаган нарсага мажбурламоқ, исён қўтармоқ, осий бўлмоқ, ўзини тергамоқ, сарҳисоб қилмоқ, ҳисоб-китобга тортмоқ, бошқармоқ, йўналтирмоқ, бир кишини завқладиган ва яхши кўрадиган нарсага йўлламоқ, кимнидир устидан ҳукм чиқармоқ, миннатдор бўлмоқ, бирор кимдан келган яхшилик ва шу кабиларни қадрига етмоқ, ўзини бурчли ҳис қилмоқ, яхшилик ёки ёмонликка одатланмоқ, хизмат қилмоқ,

юмушини бажармоқ, яхшилиқ-эхсон қилмоқ, бирор нимага эга чикмоқ, молик бўлмоқ, эга ва соҳиб бўлмоқ, азиз ва қудратли бўлмоқ, азиз ва қудратли қилмоқ, бирор нима учун кимдандир ўч-қасос олмоқ каби маъноларни билдиради (Аз-Забийдий, 2001:49-61) (Ал-Азҳарий, 1976:181-185) (Ибн Манзур, 1968:166-171) (Ибн Дурайд, 1987:688-689) (Ал-Муторризий, 1979:301) (Ас-Соғоний, 1979:233-235) (Жуброн, 1992:352-353) (Абу Ҳаққо, 2007:626) (Луис Маълүф, 1970:230-231) (Ал-Бустаний, 1987:301-302) (Абу Наср ал-Жавҳарий, 2009:396-397) (Ал-Файйумий, 1982:205) (Ал-Файйумий, 1987:78) (Ал-Файрузободий, 2008:581-582) (Ат-Тонахий, 2008:675-680) (Аз-Завий, 1990:242-243) (Дузий, 1981:463-465).

Демак, дин сўзи ясалган “دَانٌ” феъли жуда кўп маъноларни билдиришини маълум бўлди. Аксарият маънолари бир-бирини тўлдириб, бири иккинчисига замин ҳозирласа, баъзи бир маънолари бир-бирига зид тушунчаларни ифодалаб келишини кўришимиз мумкин. Инсон онгини бошқариш орқали бутун давлат ва хаттоки, минтақалар хавфсизлигига таҳдид солаётган ахборот уриши даврида, ҳар бир терминни ўз ўрнида ва тўғри ишлатиш талаб этилади. Ҳозирги пайтда жамиятимизда, айниқса, ёшларда бўйсуниб, итоат этиш йўқолиб бораётганини кўришимиз мумкин.

Чунки, ўзини такводор ва динга амал қилиб яшамокдаман деган аксарият мусулмонлар энг муҳим коидани ўнатиб қўймоқдалар. Ким Аллоҳга итоат қилиб, унга бўйсунса Унинг пайғамбарига итоат қилиб, бўйсунди. Ким Расулуллоҳга итоат қилиб, унга бўйсунса саҳобаларга, тобеъинларга, табаъ тобеъинларга, мужтаҳид олимларга итоат қилиб, бўйсунди. Ким аҳли сунна олимларига итоат қилиб, уларга бўйсунса Нўъмон ибн Собит Имом Аъзам Абу Ҳанифага, Абу Мансур Муҳаммад Имом ал-Мотуридийга итоат қилиб, бўйсунди. Ким ибодат ва муомалотда Абу Ҳанифа мазҳабига ҳамда эътиқодда Имом ал-Мотуридий мазҳабига итоат қилиб, икки мазҳабга бўйсунса Ўзбекистон мусулмонлари идорасига итоат қилиб, бўйсунди. Ким расмий имомларимизга итоат қилиб, уларга бўйсунса ота-онасига итоат қилиб, бўйсунди. Ким ота-онасига итоат қилиб, уларга бўйсунса Аллоҳ розилигини топиш йўлида бўлади.

Дин – “دِينٌ” кўплиги “أَدْيَانٌ” шаклда ясалади. Араб тилидаги мўътабар луғатларда қўйидаги маънолари мавжудлиги ва шу маъноларда ишлатилиши таъкидланади:

1. Итоат ва бўйсунуш (хўрлик ва инқиёд) асл маъноси бўлиб, сўзсиз ва хокисорлик билан итоат қилиш, бўйин эгишдир (Ал-Фароҳидий, 2003:72) (Ибн Манзур, 1968:166-171) (Аз-Забийдий,

2001:54) (Зайнуддин ар-Розий, 1986:91) (Ибн Форис, 1979:319) (Ибн Сайда, 2000:399) (Абу Наср ал-Жавҳарий, 2009:396-397) (Ат-Тонахий, 2008:675) (Дузий, 1981:463). Амр ибн Кулсум ўз девонида:

وَأَيُّمَا لَنَا غُرًا طَوَّالًا (كَرَامًا)“
”عَصَيْنَا الْمَلِكَ فِيهَا أَنْ نَدِينَا“

Биз кўп ажойиб кунлар ўтказдик, итоат қилиш ўрнига қиролга исён қилдик.

Хорижийлар ҳақидаги ҳадисда: “يَمْرُقُونَ مَنْ” – “الَّذِينَ مُرِقُوا السَّهْمَ مِنَ الرِّمِيَّةِ” – Улар диндан ўқ ёйдан отилгани(чикқани) каби чиқадилар, дейилади. Уларни исломга киришлари сўнггра, ундан чиқишлари назарда тутилган. Уларни ун(ислом) га боғлайдиган бирор нарса қолмади. Бамисоли, ўқ ёйга кириб, ундан ўтиб чиқиб отилиб кетганга ўхшайди. Бунда, ўқга ёйдан ҳеч нарса ёпишиб қолмайди. Ал-Хаттобий айтади, мусулмон уламолари қуйидагиларга якдил бўлиб ижмо қилганлар: 1. Хорижийлар адашган мусулмон фирқалар бир фирқа эканлигига; 2. Уларни аёлларига никоҳланиб, уйланиш жоиз эканлигига; 3. Улар сўйган жонлиғларни ейиш мумкинлигига; 4. Уларни гувоҳликларини қабул қилиш мумкин эканлигига. Али ибн Абу Толибдан улар ҳақида савол сўраб, дейишди. Улар кофирларми? Али деди, улар куфрдан қочдилар. Улар мунофиқларми, дейишди. Али деди, албатта мунофиқлар Аллоҳни жуда оз(кам) зикр қиладилар(эслайдилар). Хорижийлар бўлса, Аллоҳни эртаю кеч зикр қиладилар(эслайдилар). Ким улар, дейишди. Али ибн Абу Толиб жавоб қилди, улар фитнага учраган қавмдир. Натижада улар кўру кар бўлиб олдилар. Ал-Хаттобий айтади, Унинг (сав) “Улар диндан чиқадилар” сўзлари маъноси, диндан мурод, итоат ва бўйсунушдир. Улар бўйсуниб, итоат этиш фарз қилинган имомга бўйсунмадилар, итоатдан чикдилар ва ундан ажралдилар (Ибн Асир ал-Жазарий, 1963:149) (Аллуш, 2001:412-413). Нисо сураси 125-оятда “وَمَنْ أَحْسَنُ دِينًا مِمَّنْ أَسْلَمَ وَجْهَهُ لِلَّهِ وَهُوَ” – “مُحْسِنٌ وَاتَّبَعَ مِلَّةَ إِبْرَاهِيمَ حَنِيفًا” – Эзгу иш қилувчи ҳолида юзи(ўзи)ни Аллоҳга бўйин сундирган ва тўғри йўл (саналмиш) Иброҳим динига эргашган кишидан бошқа кимнинг дини чиройлидир?! (А.Мансур, 2018:98), сўзсиз итоат (Аз-Забийдий, 2001:54). Бақара сураси 256-оятда “لَا إِكْرَاهَ فِي الدِّينِ” – Динда зўрлаш йўқ (А.Мансур, 2018:42). Яъни, итоатда зўрлаш ва мажбурлаш бўлмайди. Ҳақиқатда ҳам, итоат ёлғиз ихлос билан бўлади. Зўрлаш ва мажбурлаш бўлган жойда ихлос келмайди (Аз-Забийдий, 2001:54). Наҳл сураси 52-оятда “وَلَهُ مَا فِي السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَلَهُ الدِّينُ وَاصِبًا” – Осмонлардаги ва Ердаги барча нарсалар Унинг мулкидир. Дин (итоат қилиш) Унгагина (бўлиши) вожибдир (А.Мансур, 2018:272), яъни итоат ва ихлос (Ат-Тонахий, 2008:677). Аъроф сураси 29-оятда “وَأَدْعُوهُ مُخْلِصِينَ لَهُ الدِّينَ” – Унга (Аллоҳга) динни холис

қилган ҳолларингизда дуо қилингиз (А.Мансур, 2018:153), яъни холис итоат (Ат-Тонаҳий, 2008:677). Тавба сураси 29-оятда “وَلَا يَدِينُونَ دِينَ الْحَقِّ” – Ҳақ дин (Ислом)ни дин қилиб олмайдиган (А.Мансур, 2018:458). Улар Аллоҳга ҳақиқий маънода итоат қилмайдиганлар (Ат-Тонаҳий, 2008:677). Юсуф сураси 76-оятда “مَا كَانَ لِأَخَاهُ فِي دِينِ الْمَلِكِ” – (Чунки) подшоҳнинг (жорий) ҳукми бўйича ўз биродарини (бошқа йўл билан) олиб қола олмас эди (А.Мансур, 2018:244), яъни итоатига (Ибн Дурайд, 1987:688) (Ибн Форис, 1979:319) (Жабал, 2010:686).

لَنْ خَلَّتْ بِحَوْ فِي بَنِي أَسَدٍ
“فِي دِينِ عَمْرٍو وَحَالَتْ بَيْنَنَا فَذَكَّ”

Агар Амр итоатида бўлган Бани Асад диёридан бўлган Жавв водийсига қўноқ бўлсанг, бизнинг ўртамизда бўлган Фадак (Ҳижоз ўлкасидаги бир қишлоқ. У билан Мадина ўртасидаги масофа икки кунлик йўл)гача меҳмон бўлган бўласан (Ибн Дурайд, 1987:688). Араб мақолида “كَمَا تَدِينُ ثَنَانُ” дейилади, сен қандай итоат қилсанг, сенга ҳам худди шундай муносабат(итоат)да бўлишади (Ал-Фароҳидий, 2003:73). Жамият ҳаётида шахслар бир бири билан ўзаро итоат ва ҳурмат асосида муносабатга киришади. Агар бу қоида бузилса, оломон ёки подага айланади. Ўзаро ҳурмат ва бир-бирига итоат қилиб яшайдиган жамият гуллаб яшнайдиган. Оли Имрон сураси 19-оятда “إِنَّ الدِّينَ عِنْدَ اللَّهِ الْإِسْلَامُ” – Албатта, Аллоҳ наздида (мақбул) дин Ислом (дини)дир (А.Мансур, 2018:52), яъни итоат ва бўйсунуш. Шоирнинг сўзи бунга далил бўлади:

وَيَوْمَ الْحَزْنِ إِذْ خَسَدَتْ مَعْدُ
إِلَّا نَحْنُ دِينًا

Маъадд (ибн Аднон) тошлоқ ерга тўплаган кунда, биздан бошқа барча одамлар итоаткорона ўша ерда эдилар (Ат-Табарий, 2001:280) (Ас-Саълабий, 2002:108) (Аз-Забийдий, 1996:239-240). Ал-Қутумийнинг “كَانَتْ نَوَارُ (جُنُوبُ) تَدِينُكَ الْأَدْيَانَا” – Серкуёш кунлар (иссиқ шамол) сени одатларга итоат эттиради, бўйсундира (Иброҳим ас-Самироий, Аҳмад Матлуб, 1960:58), сўзи буни исботлайди. Ал-Аъша ал-Кабир Маймун ибн Қайс сўзи бунга далил бўлади:

هُوَ دَانَ الرَّبَابِ إِذْ كَرِهُوا
الدِّينَ دِرَاكًا بِغَرَوَةٍ
وَصِيَالٍ

У ҳар бири ўн кишидан иборат гуруҳлар йиғинига бошчилик қилди, чунки улар доимий жанг ва ўзаро кураш билан итоатни ёмон кўрадилар (Ҳусайн, 1977:10-11). Арабча “الْمَدِينَةُ” – “шаҳар” сўзи ҳам бошлиққа итоат амалга оширилган жой бўлганлиги учун шундай номланган (Ибн Форис, 1979:319). Шу ўринда, пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) ҳижрат қилмасларидан олдин Ясриб, деб аталган жой, ҳижратдан сўнг Мадинату ар-Расул ёки Мадинату ан-Набий, деб атала бошланди. Ўзбек тилидаги адабиётларда “пайғамбар шаҳри”,

деб таржима қилинган ибора билан бир қаторда, “пайғамбарга бўйсунуш ва итоат” амалга оширилган жой деб таржима қилиш, ушбу иборани маъносини тўлиқ англаб олишга хизмат қилади. Чунки, Макка аҳли Расулulloҳ(с.а.в.)ни пайғамбарликларини тан олмай, у Зотга бўйсуниб, итоат қилмаганлар. Ясрибликлар эса, Ақаба байъатларида сўзсиз итоат ва бўйсунушга ваъда беришган эди. Ўзбек тилидаги изоҳли луғатларда “маданият” ва “маданиятли” сўзлари шаҳар ва шаҳарлик деб таржима қилинади. “Маданият” сўзини ўзларидан бўлган бошлиққа итоат амалга оширилган жой ва ер ҳамда “маданиятли”ни эса, ўзларидан бўлган бошлиққа итоат қилувчи шахс, деб таржимасини янада бойитсак бўлади. Чунки, қишлоқ ҳўжалигида экиб етиштириладиган ўсимликларини ҳам маданий дейилади, яъни ёввойий эмас. Арабларда уй ҳайвонларини ҳам маданий деб, аташади (Ал-Азҳарий, 1976:145). Бизларда эса, уй ҳайвони, хонаки дейилади. Итоат қилмасдан исён қилувчиларни маданиятсизлар, дейилади.

Абу Толиб ривоят қилган ҳадисда, Расулulloҳ (с.а.в.) унга шундай деганлар: “أَرِيدُ مِنْ فَرِيْشٍ كَلِمَةً تَدِينُ لَهْمُ” – “Мен Қурайшдан бир сўзни хоҳлайман. У сўз билан араблар Қурайшга итоат қилиб, бўйсундилар” (Ат-Тонаҳий, 2008:679) (Ибн Асир ал-Жазарий, 1963:148) (Аллуш, 2001:412). Ҳадисда, “الْكَيْسُ مَنْ دَانَ نَفْسَهُ وَعَمِلَ لِمَا بَعْدَ الْمَوْتِ وَالْعَاجِزُ مَنْ اتَّبَعَ نَفْسَهُ هَوَاهُ” – “وَتَمَنَّى عَلَى اللَّهِ تَعَالَى” – Ақлли кимса шулки, у ўзини сарҳисоб қилиб, ўлимдан кейини учун амал қилади. Ожиз (Ахмоқ (Ал-Азҳарий, 1976:181)) кимса эса, у ўзини ҳавоий-нафсига эргаштириб, Аллоҳ таоладан орзу қилади (Ибн Асир ал-Жазарий, 1963:148) (Аллуш, 2001:412) (Ат-Тонаҳий, 2008:679).

2. Одат, ҳол, тарз, йўл, урф, ҳаёт тарзи, сийрат асл маъноси ҳисобланади (Ибн Манзур, 1968:166-171) (Аз-Забийдий, 2001:53) (Ал-Фароҳидий, 2003:73) (Зайнууддин ар-Розий, 1986:91) (Ал-Азҳарий, 1976:181) (Аҳмад, 2008:796) (Абу Наср ал-Жавҳарий, 2009:396-397) (Аҳмад М., 2000:432). Араблар “مَا زَالَ ذَلِكَ دِينِي وَتَدِينِي” – бу ҳалиям менинг одат(тарз)им, дейди (Ибн Манзур, 1968:166-171). Ал-Мусаққиб ал-Абдий туясини зикр қилиб, шундай дейди:

تَقُولُ إِذَا دَرَأْتُ لَهَا وَصِيْبِي
أَهَذَا دِينُهُ أَبَدًا وَدِينِي

Мен (туямни устидаги юклари тушиб кетмаслиги учун) арқонини маҳкам қилиб боғласам, (туя) айтади бу унинг ёввойий одатими ёки менинг одатимми? (Ас-Сойрафий, 1971:195-197) (Ибн Дурайд, 1987:688). “دِينٌ هَذَا الْقَلْبِ مِنْ نَعْمٍ” – Саховат бўлган бу қалбнинг одати нақадар яхши! (Ибн Манзур, 1968:166-171) (Ибн Сайда, 2000:399). “يَا دِينَ قَلْبِكَ مِنْ سَلَمِي وَقَدْ دِينًا” – Поклик бўлган қалбнинг одати нақадар яхши! Бизни ҳам одатлантирди (Ал-Фароҳидий, 2003:73).

“لَيْسَ هَذَا مِنْ دِينِي وَدِينِي” – Бу менинг одатим эмас. Бу хусусда Расулуллоҳ (с.а.в.) шундай деганлар: “الرَّجُلُ عَلَى دِينِ خَلِيلِهِ فَلْيَنْظُرْ أَحَدُكُمْ مَنْ يُخَالِلُ” – Киши дўстининг одатидадир. Ҳар бирингиз ким билан дўстлашаётганига қарасин (Аҳмад М. У., 2008:796) (Абу Довуд, 2009:204, 4833-ҳадис) (Ат-Термизий, 2016:386-387, 2549-ҳадис). Киши дўстининг одати, юриш-туриши, хулқ-атворида бўлади. Киши урф-одати ва хулқ-атвори яхши бўлган билан дўст бўлиши керак. Урф-одати ва хулқ-атвори ёмонларга яқин бормай, ундайлардан узоқ туриши керак (Ибн Раслан, 2016:524-525) (Ас-Саҳаранфурий, 2006:255) (Ас-Сиддикий, 2005:2227). Ҳар ким одати ва юриш-туриши яхши бўлган билан дўстлашиб, ёмон бўлгандан узоқ бўлиши керак. Чунки, одатлар, характерлар, феъл-атворлар ўғирланган нарсадир. Улфатлар, дўстлар кишининг хулқ-атворини ислоҳ бўлиши ёки аксинча, бузилишига таъсир кўрсатади. Ғаззолий айтидики, дунёга хирс қўйган инсон билан ўртоқчилик хирсни ҳаракатга келтирса, зоҳид билан ҳамсухбатлик дунёда зоҳид бўлиб яшашни тарбиялайди. Чунки, одатлар, характерлар, феъл-атворлар кимгадир тақлид қилишга, эргашишликка, ўзини ўхшатишликка ва ўрнак олишликка мойил қилиб яратилган. Ёмонликни қайси жиҳатдан эканлигини билмасдан эргашиб кетиш мумкин (Ал-Муборакфурий, 1940:49). Доно халқимиз бежизга, қозонга яқин борсанг қораси юқади, оғайнинг қарга бўлса емишинг гўнг бўлади, деб айтмаган. Баъзи хабарларда, “Расулуллоҳ (с.а.в.) кавмининг динида эди”, деб келтирилади. Бундан араблар эътиқод қилан ширк назарда тутилмайди. Чунки, Тавба сураси 28-оятда “إِنَّمَا الْمُشْرِكُونَ نَجَسٌ” – Албатта, мушриклар нажас (нопок)дирлар (А.Мансур, 2018:191). Бу ерда Иброҳим (а.с.)дан ирсият орқали қолган, ҳаж, никоҳ, савдо-сотик, турмуш тарзи, мерос ва бошқа имон ҳукмларидан бўлган амаллар назарда тутилади. Сахийлик ва шижоат кабилардаги ахлоқларига амал қилганлар. яшаган. Мухтасар қилиб айтганда, уларни одати бўйича яшаганлар (Ат-Тонахий, 2008:679-680) (Ибн Асир ал-Жазарий, 1963:148) (Аллуш, 2001:412). Араблар тавҳидни ўзгартирган эдилар. Пайғамбар (с.а.в.) эса тавҳидда эдилар (Ал-Файрузободий, 2008:582) (Аз-Завий, 1990:243). Ан-Надр ибн Шумайл айтишича, аъробийдан бир нарса ҳақида сўрадим. У шундай жавоб қилди, “لَوْ لَقِيتَنِي عَلَى” – “Дини ёки ҳолатдан бошқа ҳолатда эканлигимда учраганимда, сенга хабарини айтиб берган бўлардим (Куроъ, 1988:203).

3. Жазо ва ажр-мукофот (қилинган ишга яраша берилган ҳақ) маъносида қўлланилади. Бир киши ўзининг хатти-ҳаракатлари ва ишлари учун жазоланиши ёки қилган амалларига яраша мукофотланиши маъноларини ифода қилади (Ибн

Манзур, 1968:166-171) (Аз-Забийдий, 2001:52) (Ибн Форис, 1979:320) (Зайнуддин ар-Розий, 1986:91) (Абу Наср ал-Жавҳарий, 2009:397) (Аҳмад М. У., 2008:796) (Дузий, 1981:464). Арабларда “كَمَا تَدِينُ” – Қилмишинга яраша жазо оласан, дейишади (Зайнуддин ар-Розий, 1986:91). Қандай қилсанг, сенга ҳам шундай қилишади. Абу Ҳатим Абу Убайдадан бизларга шуларни хабар қилади: Ғассон қиролларидан бир қиролни аёлларга суяги йўқ эди. Бирор бир гўзал аёлдан хабар топса, уни дархол олиб келтирар эди. У Язид ибн ас-Соийқ ал-Килабийнинг қизини отаси йўқлигида, тортиб олиб қўяди. Отаси келиб бўлган воқеадан хабар топган заҳотиёқ йўлга тушади. Тўсатдан ўша қирол билан юзма-юз келиб қолди. Қиролни одати кимдир олдида келса, уни қайтармас эди. Уни эшитадиган даражада олдида туриб унга шундай деди:

”يَا أَيُّهَا الْمَلِكُ الْمُفِيْتُ أَمَا تَرَى
يَخْتَلِفَانِ
”هَلْ تَسْتَطِيعُ الشَّمْسُ أَنْ يُؤْتِيَ بِهَا
بِالْمَلِكِ يَدَانِ“
”وَاعْلَمْ يَقِينًا أَنَّ مُلْكَكَ زَائِلٌ
ثَنَانُ“

Эй! Ўзини кучли деб билган қирол кўрмайсанми? Тун ва тонгни қандай ўрин алмашишини, Сен қуёшни келтириб қўя оласанми? Кечаси, ва сен қиролнинг икки қўли борми (келтира оладиган)?

Аниқ билгинки, сенинг мол-мулкинг ўткинчидир!

Яна шуни билгинки, қилмишинга яраша жазоланасан! (Ибн Дурайд, 1987:688)

Ал-Ҳарис ибн Абу Шимр ал-Ғассоний Хувайлид ибн Навфал ал-Килабийнинг қизини тортиб олганда унга шу байтни ёзиб юборган:

”وَاعْلَمْ يَقِينًا أَنَّ مُلْكَكَ زَائِلٌ
ثَنَانُ“

Аниқ билгинки, сенинг мол-мулкинг ўткинчидир

Яна шуни билгинки, қилмишинга яраша жазоланасан (Ал-Азҳарий, 1976:181)

Қилган ишинга яраша жазоланасан ёки мукофотланасан. Биздаги, нима эксанг шуни ўрасан, мақолига ўхшаш. Соффот сураси 53-оятда “أَيْنَالْمَدِينُونَ” – Биз ҳақиқатан ҳам (тирилтирилиб) жазоланурмизми? (Ал-Мотуридий VIII, 2005:564-565) (Аҳмад М. У., 2002:187), дейилади. Салмон ривоят қилган ҳадисда, “إِنَّ اللَّهَ لَيَدِينُ الْجَمَاءَ مِنْ ذَاتِ الْقُرْنِ” – Албатта Аллоҳ одамларни (барчани) ўз қийматига (ўз қилмишига) кўра жазолайди(ёки мукофотлайди) (Ибн Асир ал-Жазарий, 1963:149) (Аллуш, 2001:413). Қилмиш-кидирмиш, дейишадику. Ибн Амр ривоят қилган ҳадисда, “لَا تَسْتَبُوا السُّلْطَانَ فَإِنَّ كَانَ لَا يَدْفَعُ قَوْلُوا اللَّهُ بِهِمْ كَمَا” – “Хукмдорларни лаънатламамг! Агар мажбур

бўлсангиз, Аллоҳим улар бизни қандай қийнаётган бўлсалар, сен ҳам уларни шундай жазолагин, деб айтинглар (Ибн Асир ал-Жазарий, 1963:149) (Ибн Манзур, 1968:166-171). Ҳар бир инсон ўзининг хатти-ҳаракатлари, қилган ишларига муносиб жазоланади ёки солиҳ амалларининг мукофотини олади, буни ҳеч қачон унитмаслик керак!

4. Ҳисоб-китоб маъносида ишлатилади (Ибн Манзур, 1968:166-171) (Ибн Форис, 1979:320) (Аз-Забийдий, 2001:55) (Куроъ, 1988:55) (Аҳмад М. У., 2008:796). Абу Убайд Фотиҳа сураси 3-оятидаги “مَالِكِ يَوْمَ الدِّينِ” (У) ҳисоб кунӣ эғасидир. Шунингдек, (У) жазо кунӣ эғасидир, деганлар ҳам бор (Ал-Азҳарий, 1976:181). У шундай кунки, инсон дунё ҳаётида яшаган ҳар бир лаҳзаси ҳисоб-китоб қилиниб, солиҳ ва яхши амалларига мукофот ёки гуноҳ ва ёмон ишлари лойиқ жазо бериладиган кундир. Соффот сураси 53-оятидаги “إِنَّمَا الدِّينُونَ” шу маънони ифодалайди (Аҳмад М. У., 2002:187). Ан-Нур сураси 25-оятида “يَوْمَئِذٍ يُؤْفِكُهُمُ اللَّهُ دِينَهُمُ الْحَقَّ” ўша кунӣ Аллоҳ уларнинг ҳақиқий жазоларини тўла-тўқис берур, деб келади. “مَالِكِ يَوْمَ الدِّينِ” деб, “Кун” сўзи билан бирикиб келишида, парвардигор назидида мавқеининг олийлиги, мартабасининг буюклиги ва ҳақиқатининг ошкор бўлиши мурод қилинганлиги мумкин, десак бўлади. Бу Қиёмат кунидир (Ал-Мотуридий I, 2005:362). Рум сураси 30-оятида “ذَلِكَ” “الدِّينِ الْقَيُّمِ” Энг тўғри ҳисоб-китоб шудир, деб келади (Ибн Манзур, 1968:166-171). Мутаффифун сураси 11-оятида “الَّذِينَ يَكْتُمُونَ بَيْنَهُمُ الدِّينَ” – Улар жазо (қиёмат) кунини инкор этадиган кимсалардир (А.Мансур, 2018:588), яъни ҳисоб-китоб (Аҳмад М. У., 2002:187). Дунёда қилинган амаллар эгаларини зиммасида қарз қаби осилиб туради. Ундан сўралиб, ҳисоб-китоб қилиниб, жазо ёки ажр-мукофот берилади (Жабал, 2010:686-687). Аллоҳ қиёмат кунидида бандаларининг дунё ҳаётидаги амалларини ҳисоб-китоб қилиб дўзах билан жазолайди ёки жаннат билан мокофотлайди.

5. Ислом (дини), шариат, миллат, маъзаб ва дин маъносида келади (Ибн Мансур, 1968:166-171) (Аз-Забийдий, 2001:53, 56) (Ал-Файйумий, 1982:205) (Иброҳим, 2002:96) (Аҳмад М. У., 2008:796) (Жабал, 2010:686) (Ал-Важиз, 1989:241). Али (р.а.) ривоят қилган ҳадисда: “مَحَبَّةُ الْعُلَمَاءِ دِينٌ يُدَانُ اللَّهُ بِهِ” – Олимларнинг муҳаббати исломдир. Аллоҳ у билан ҳукм қилади, дейилади (Аз-Забийдий, 2001:53). Оли Имрон сураси 83-оятда “أَفَعَيِّرْ دِينَ اللَّهِ يَتَّبِعُونَ” – Аллоҳнинг (ҳақ) динидан ўзга динни истайдиларми?! (А.Мансур, 2018:60), дейилади. Аллоҳнинг ҳақ дини – ислом динидир. Бақара сураси 132-оятда “يَا بَنِي إِدْنَ” – “Аллоҳ асвфқى لَكُمْ الدِّينَ فَلَا تَمُوتُوا إِلَا وَأَنْتُمْ مُسْلِمُونَ” – “Ўғилларим, албатта, Аллоҳ сизлар учун шу динни танлади. Бас, мусулмонлик ҳолингизда дунёдан ўтингиз!” (А.Мансур, 2018:20), дейилади. Аллоҳ танлаган дин

ислом дини эди. Улар бу диннинг ўзини ҳам, номини ҳам ўзгартирдилар. Яҳудийлик ва насронийлик динлари ҳам тавҳидга асосланган ислом дини эди. Чунки, пайғамбарларнинг шариатлари бир-биридан қисман фарқ қилган бўлса-да, лекин барчаларига юборилган дин исломдир (Аҳмад М. У., 2002:187). Оли Имрон сураси 85-оятда “وَمَنْ يَبْتَغِ غَيْرَ الْإِسْلَامِ دِينًا فَلَنْ يُقْبَلَ مِنْهُ” – Кимки исломдан ўзга динни истаса (ихтиёр этса), ундан (у дин) сира қабул қилинмагай (А.Мансур, 2018:61), дейилади. Тавба сураси 33-оятда “هُوَ الَّذِي أَرْسَلَ رَسُولَهُ بِالْهُدَىٰ وَدِينِ الْحَقِّ” – У Расулини ҳидоят ва ҳақ дин билан юборган зотдир (А.Мансур, 2018:192), дейилади. Дин ва миллат сўзлари аслида бир бўлиб, тушунча ўлароқ фаркланади. Шариат итоат жиҳатидан дин деб номланади. Бирлаштириш жиҳатидан миллат дейилади. Мурожаат жиҳатидан мазҳаб деб номланади. Дин миллат ва мазҳаб ўртасидаги фарқ. Дин Аллоҳга, миллат расулга, мазҳаб эса, мужтаҳидга мансуб бўлади (ал-Журжаний, 2004:92-93) (Ал-Бустаний, 1987:303). Ислом дини – Аллоҳнинг дини. Ислом уммати – Муҳаммад (с.а.в.) нинг уммати. Ибодат ва муомалотда исломий мазҳаб – Абу Ҳанифа мазҳаби. Ўтиқодда исломий мазҳаб – Мотуридий мазҳаби.

6. Имон, ибодат, эътиқод, диёнат, тавҳид, ваҳдоният, яккалик маъносида келади (Ибн Манзур, 1968:166-171) (Аз-Забийдий, 2001:53-56) (Аз-Завий, 1988:224) (Ат-Тонаҳий, 2008:676) (Аз-Забийдий, 1996:239) (Яъқуб Э. , 2004:182) (Аҳмад М. У., 2008:796). Тавба сураси 29-оятида “وَلَا يَدِينُونَ دِينَ الْحَقِّ” – Ҳақ дин (Ислом)ни дин қилиб олмайдиган (А.Мансур, 2018:458). Улар Аллоҳга ҳақиқий маънода ибодат қилмайдиганлар (Аҳмад М. У., 2002:187). Сафар дуосида “أَسْتَوِدِعُ اللَّهَ بَيْنَكَ وَأَمَانَتَكَ” – Сенинг дининг ва омонатингни Аллоҳга омонат қиламан (Ибн Асир ал-Жазарий, 1963:149) (Аллуш, 2001:412) (Ат-Тонаҳий, 2008:680). Оли Имрон сураси 19-оятида “إِنَّ الدِّينَ عِنْدَ اللَّهِ الْإِسْلَامُ” – Албатта, Аллоҳ наздида (мақбул) дин Ислом (дини)дир (А.Мансур, 2018:52), яъни тавҳид (Аҳмад М. У., 2002:187).

7. Парҳезкорлик, тақво, художўйлик, шаън, кадр-киммат, ғалаба, ғолиблик, олийлик, мажбурлов, кистов маъносида келади (Аз-Забийдий, 2001:53-58) (Аҳмад М. У., 2008:796) (Ал-Бустаний, 1987:301-302) (Ал-Васит, 2004:307) (Солиҳ ал-Алий, Сулаймон ал-Аҳмад, 1981:180) (Зайнуддин ар-Розий, 1986:91) (Абу Наср ал-Жавҳарий, 2009:396-397) (Ал-Файрузободий, 2008:1198).

8. Мулк, давлат, қонун, ҳукм, ҳукм чиқариш, қазо, тадбир, юритиш, бошқарув, салтанат, ҳукмронлик, нуфуз маъносида келади (Ибн Манзур, 1968:166-171) (Аз-Забийдий, 2001:55-56) (Абу Наср ал-Жавҳарий, 2009:396-397) (Абу Ҳакко, 2007:626-

НАТИЖА

627) (Аз-Завий, 1990:242) (Жуброн, 1992:353). Араб тилида “шаҳар”ни “الْمَدِينَةُ” деб номланиши шундан (Мухйиддин Абдулҳамид, Абдуллатиф Ас-Субкий, 1987:172). Юсуф сураси 76-оятда “مَا كَانَ لِيَأْخُذَ أَهْلًا” – (Чунки) подшоҳнинг (жорий) ҳукми бўйича ўз биродарини (бошқа йўл билан) олиб қола олмас эди (А.Мансур, 2018:244), яъни салтанат ва нуфуз (Аҳмад М. У., 2002:187).

9. Қарз, қасос, ўч, касаллик, дард, маъсият, исён маъносида келади (Ибн Манзур, 1968:166-171) (Аз-Забийдий, 2001:49-61) (Ибн Сайда, 2000:400) (Луис Маълүф, 1970:231) (Ал-Муторризий, 1979:301) (Ал-Файйумий, 1987:78) (Ас-Соғоний, 1979:234-235).

10. Доимий ёғувчи ва енгил (мулойим) ёмғир маъносида келади (Ибн Манзур, 1968:166-171) (Аз-Забийдий, 2001:56) (Ас-Соғоний, 1979:234) (Ал-Бустаний, 1987:303) (Ризо, 1958:479-480).

11. Бирор нарсани дин қилиб тан олган ва эътикод қилган барча нарсага берилган ном (Ибн Манзур, 1968:166-171) (Аз-Забийдий, 2001:49-61) (Ал-Важиз, 1989:241) (Руфайл Нахла, 1957:69). Ҳаж ҳадисиди, “كَانَتْ فُرُشٌ وَمِنْ دَانَ بَيْنَهُمْ” – Қурайш ва уларнинг динларини ўзларига дин қилиб олганлар. Қурайшга динларида уларга эргашиб, бунда уларга мувофиқ бўлиб, уларнинг динларини ўзларига дин ва ибодат қилиб олганлар (Ибн Асир ал-Жазарий, 1963:149) (Аллуш, 2001:412).

Демак, араб тилидан кириб келган дин сўзининг жуда кўп маъноли эканлиги маълум бўлди. Инсон ўз хуррияти билан танлаган диннинг талаб ва мажбуриятларига бўйсуниб, ҳаёт кечириш буюрилади. Бирор бир инсонни мажбуран динга киритиш қораланади. Энди дин талагандан кейин, таълимотларини қабул қилиб, буюрилганларга сўзсиз итоат этиб, қайтарилганларга яқинлашмаслик диннинг асл талабидир. Динни қабул ўша динга мансубман деган инсон, диннинг таълимотларини бузиб талқин қилса, буюрилган амалларга эътиборсиз бўлиб, қайтарилган ишларни қилишдан тийилмаса, ундай инсонни қандай қилиб динга мансуб дейишимиз мумкин. Ер юзиди бузғунчилик қилиб, бегуноҳ одамларни қонини тўқаётган, бошқаларни ҳаётига хавф-хатар солаётган, ёшларни адаштириб ўзларининг қабих мақсадлари йўлида фойдаланаётган ўз ҳавои нафсини қули бўлиб, уни ўзига дин қилиб олган кимсадир.

Чунки, шу қисқа ўткинчи дунё ҳаётида фақат яхшилик қилиш ва ҳайрли амалларни бажариш, ёмонликлардан тийилиш, ўзи ва атрофидагиларни манфаати йўлида бўлиш, бунда, бошқаларни ҳаққига тажовуз қилмаслик, нафақат динга мансуб бўлган инсонни мақсади балки ҳар бир кишининг дунёқараши бўлиши шарт. Агар бундай бўлмаса, Фиръавнлар, Намрудлар, Ленин, Гитлер, Сталин, ИШИД кабилар пайдо бўлади.

Ислом дининг муқаддас китоби Қуръони каримда дин – феъл ва от шаклида жуда кўп оятларда келган (Абдулбоқий, 1945:267-269) (Алфаз ал-Қуръон, 1989:426-427): “يَذِيبُونَ” – ўзига дин қилиб олмоқ, унга итоат қилмоқ, бўйсунмоқ, бўйин эгмоқ, ўзини ибодатга бағишламоқ каби маъноларда битта ўринда – Тавба сураси 29-оят;

“يَذِيبُونَ” – шариат ва ибодат каби маъноларда тўртта ўринда – Оли Имрон сураси 85-оят, Нисо сураси 125-оят, Моиди сураси 3-оят, Анъом сураси 161-оят;

“الذِّينَ” – жазо, ажр-мукофот, ҳисоб-китоб, Қиёмат каби маъноларда ўн тўртта ўринда – Фотиҳа сураси 4-оят, Ҳижр сураси 35-оят, Шуаро сураси 82-оят, Соффот сураси 20-оят, Сод сураси 78-оят, Зориёт сураси 2, 12-оят, Воқеа сураси 56-оят, Маориж сураси 26-оят, Муддассир сураси 46-оят, Инфитор сураси 15, 17, 18-оят, Мутаффиғун сураси 11-оят;

“الذِّينَ” – шариат, итоат, Аллоҳга бўйсуниб, бўйин эгиш, Аллоҳга ибодат қилиш каби маъноларда ўттиз тўққиз ўринда – Бақара сураси 132, 193, 256-оят, Оли Имрон сураси 19-оят, Нисо сураси 46-оят, Аъроф сураси 29-оят, Анфол сураси 39, 72-оят, Тавба сураси 11, 33, 36, 122-оят, Юнус сураси 22, 105-оят, Юсуф сураси 40-оят, Наҳл сураси 52-оят, Ҳаж сураси 78-оят, Анкабут сураси 65-оят; Рум сураси 30, тақроан 30, 43-оят, Лукмон сураси 32-оят, Аҳзоб сураси 5-оят, Зумар сураси 2, 3, 11-оят, Ғофир сураси 14, 65-оят, Шўро сураси 13, тақроан 13, 21-оят, Фатҳ сураси 28-оят, Мумтаҳана сураси 8, 9-оят, Саф сураси 9-оят, Инфитор сураси 9-оят, Тин сураси 7-оят, Баййина сураси 5-оят, Моъун сураси 1-оят;

“دِينِ الْحَقِّ” – ҳақ шариат, ислом, Аллоҳнинг шариати, чунки у ҳақ каби маъноларда тўртта ўринда – Тавба сураси 29, 33-оят, Фатҳ сураси 28-оят, Саф сураси 9-оят;

“دِينِ الْقِيَمَةِ” – миллатнинг мустақим шариати, Ҳанифлик, ислом каби маъноларда битта ўринда – Баййина сураси 5-оят;

“دِينِ اللَّهِ” – Аллоҳнинг шариати, дини, ислом каби маъноларда учта ўринда – Оли Имрон сураси 83-оят, Нур сураси 2-оят, Наср сураси 2-оят;

“دِينِ الْمَلِكِ” – унинг қонуни, шариати каби маъноларда битта ўринда – Юсуф сураси 76-оят;

“دِينِكُمْ” – сизларнинг шариатингиз, ибодатингиз каби маъноларда ўн битта ўринда – Бақара сураси 217-оят, Оли Имрон сураси 73-оят, Нисо сураси 171-оят, Моиди сураси 3, тақроан 3, 57, 77-оят, Тавба сураси 12-оят, Ғофир сураси 26-оят, Хужурот сураси 16-оят, Кофирун сураси 6-оят;

“دِينُهُ” – унинг шариати, ибодати каби маъноларда иккита ўринда – Бақара сураси 217-оят, Моиди сураси 54-оят;

“دينهم” – уларнинг шариатлари, ибодатлари каби маъноларда тўққиз ўринда – Оли Имрон сураси 24-оят, Нисо сураси 146-оят, Анъом сураси 70, 137, 159-оят, Аъроф сураси 51-оят, Анфол сураси 49-оят, Нур сураси 55-оят, Рум сураси 32-оят;

“دينهم” – уларнинг жазолари каби маънода битта ўринда – Нур сураси 25-оят;

“دين” – аслида диним, ибодатим, шариатим каби маъноларда битта ўринда – Кофирун сураси 6-оят;

“ديني” – диним, ибодатим, шариатим каби маъноларда иккита ўринда – Юнус сураси 104-оят, Зумар сураси 14-оят;

“مدينون” – ҳисоб-китоб қилиниб жазоланмоқ, қайта тирилтириб бизнинг зараримизга ҳукм чиқариш каби маъноларда битта ўринда – Соффот сураси 53-оят;

“مدينين” – итоат қилмоқ, бўйсунмоқ, бўйин эгмоқ, ибодат қилмоқ каби маъноларда битта ўринда – Воқеа сураси 86-оят.

Дин Қуръони каримнинг жуда кўп оятларида ҳам феъл, ҳам от шаклида келганлиги баён этилди. Дин феъл шаклида келадими ёки от шаклида келадими динни қўювчиси Аллоҳ, дунё ҳаётида Аллоҳнинг розилигини топиб, дунё ҳаётида бахту саодатга эришиш ва натижада охиратда битмас-туганмас ажр мукофотлар бериладиган жаннатларга кириш динни қабул қилиб, дин кўрсатмалари бўйича яшаш талаб этилади.

ХУЛОСА

Демак, дин араб тилида феъл шаклида – бўйин эгмоқ, бўйсунмоқ, итоат этмоқ, итоат қилмоқ, камситилмоқ, ҳўрланмоқ, азиз бўлмоқ, камситмоқ, ҳўрламоқ, эга бўлмоқ, соҳиб бўлмоқ, хизмат қилмоқ, эҳсон қилмоқ, бир кишини завқладиган ва яхши кўрадиган нарсасига йўлламоқ, ҳисоб-китобга тортмоқ, жазо ёки мукофот бермоқ, қарз бермоқ, қарз олмоқ каби маъноларни ифодалайди. От шаклида эса, дин, миллат, ислом, мазҳаб, йўл, урф-одат, ҳол-аҳвол, ҳисоб-китоб, мол-мулк, ҳукм, қазо ва қадар, чора-тадбир, итоат, ибодат, шариат, имон, тақво, салтанат ва бошқарув, хизмат, устун келиш, ҳокимият, хорлаш, мажбурлаш, жазо, бадал-эваз-ҳақ, мукофот, доимий ёғадиган ёмғир, бўйсунуш, касаллик, ғалаба, йўқ қилиш, қайғу-алам, истило қилиш, тавҳид каби маъноларни билдиради.

Феъл ва от шаклида Қуръони каримда келган маъноларни тўртта асосий гуруҳда жамлаш мумкин: Биринчиси, энг олий қудратга таслим бўлиш, итоат этиш, бўйин эгиш маъносида; Иккинчиси, охират, мукофот ва жазо, яъни амалларга яраша мукофот ёки жазо бериш кунини маъносида; Учунчиси, ҳукм, адолат, шариат ва қонун маъносида; Тўртинчиси, Аллоҳ таоло юборган тавҳид дини маъносида.

МАНБАЛАР:

1. А.Мансур, А. М. (2018). Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. Тошкент, Ўзбекистон: Тошкент ислом университети.
2. Абдулбокий, М. (1945). Ал-Муъжам ал-муфҳарас ли алфаз ал-Қуръон ал-каримал-мисриййа. Қоҳира, Миср: Матбаа дар ал-кутуб ал-мисриййа.
3. Абу Довуд, С.-А.-А.-С. (2009). Сунаи Абу Довуд (Т. VII). Дамашқ, Сурия: Дар ар-рисала ал-аламиййа.
4. Абу Наср ал-Жавҳарий, И. и. (2009). Ас-Сихаҳ таж ал-луғат ва сихаҳ ал-арабиййа. Қоҳира, Миср: Дар ал-ҳадис.
5. Абу Ҳакко, А. А. (2007). Муъжам ан-нафаис ал-кабир (Vol. I). Байрут, Ливан: Дар ан-нафаис.
6. Аз-Забийдий, А.-М. М.-Х. (1996). Ат-Такмилату ва аз-зайлу ва ас-силату лима фата соҳиб ал-қомус мин ал-луғат (Vol. VII). Қоҳира, Миср: Ал-Ҳайъат ал-омма ли шуъун ал-матобийъ ал-амириййа.
7. Аз-Забийдий, А.-М. М.-Х. (2001). Таж ал-арус мин жаваҳир ал-қомус (Vol. XXXV). Ал-Кувайт, Кувайт: Мактаба ал-Кувайт.
8. Аз-Завий, А.-Т. А. (1988). Мухтар ал-қомус. Тунис, Тунис: Ад-Дар ал-арабиййа ли ал-кутуб.
9. Аз-Завий, А.-Т. А. (1990). Тартиб ал-қомус ал-муҳит (Vol. II). Байрут, Ливан: Дар ал-фикр.
10. Ал-Азҳарий, А. М. (1976). Таҳзиб ал-луғат (Vol. XIV). Қоҳира, Миср: Дар ал-мисриййа ли ат-таълиф ва ат-таржама.
11. Ал-Бустаний, Б. (1987). Муҳит ал-муҳит қомус мутоввал ли ал-луғат ал-арабиййа. Байрут, Ливан: Мактаба Лубнан.
12. Ал-Важиз, А. т. (1989). Ал-Муъжам ал-важиз. Қоҳира, Миср: Дар ат-таҳрир.
13. Ал-Васит, А. т. (2004). Ал-Муъжам ал-васит. Қоҳира, Миср: Мактаба ал-шуруқ ад-давлиййа.
14. ал-Журжаний, А.-С.-Ш. а.-Х. (2004). Муъжам ат-таърифат. Қоҳира, Миср: Дар ал-фадийла.
15. Аллуш, А. А. (2001). Ал-Жомийъ фи ғариб ал-ҳадис (Vol. II). Ар-Риёд, Саудия: Мактабат ар-рушд.
16. Ал-Мотуридий I, А. М. (2005). Таъвилот аҳли ас-суннати: Тафсир ал-ал-Мотуридий (Т. I). Байрут: Дар ал-кутуб ал-илмиййа.
17. Ал-Мотуридий VIII, А. М. (2005). Таъвилот аҳли ас-суннати: Тафсир ал-ал-Мотуридий (Т. VIII). Байрут, Ливан: Дар ал-кутуб ал-илмиййа.
18. Ал-Муборакфурий, А. (1940). Тухфат ал-аҳвазий би шарҳ жомийъ ат-Термизий (Т. VII). Байрут: Дар ал-фикр: Дар ал-фикр.
19. Ал-Муторризий, А. А. (1979). Ал-Муғриб фи тартиб ал-муъроб (Т. I). Ҳалаб, Сурия: Мактаба Усома ибн Зайд.
20. Алфаз ал-Қуръон, М. а.-Қ.-к. (1989). Муъжам алфаз ал-Қуръон ал-карим (Т. I). Қоҳира, Миср: Мажмаъ ал-луғат ал-арабиййа.
21. Ал-Файйумий, А. А.-М. (1982). Ал-Мисбаҳ ал-мунир фи ғариб аш-шарҳ ал-кабир ли ар-Рофиийъ (Vol. I). Қоҳира, Миср: Дар ал-маоъриф.
22. Ал-Файйумий, А. А.-М. (1987). Ал-Мисбаҳ ал-мунир муъжам арабий-арабий. Байрут, Ливан: Мактабат Лубнан.

23. Ал-Файрузободий, М. М. (2008). Ал-Қомус ал-мухит. Қоҳира, Миср: Дар ал-хадис.
24. Ал-Фароҳидий, А. А.-Х. (2003). Китаб ал-айн мурааттаб ала хуруф ал-муъжам (Vol. II). Байрут, Ливан: Дар ал-кутуб ал-илмиййа.
25. Ас-Саҳаранфурий, Х. (2006). Базл ал-мажҳуд фи ҳалли Сунаи Абу Довуд (Т. XIII). Музаффар пур, Ҳиндистон: Марказ аш-Шайх Абул Ҳасан ан-Надвий.
26. Ас-Саълабий, А. (2002). Ал-Кашф ва ал-байан тафсир ас-Саълабий (Т. IX). Байрут: Дар ихйа ат-турос ал-арабий.
27. Ас-Сиддикий, А.-А. А. (2005). Авн ал-маъбуд ала шарҳ Сунаи Абу Довуд. Байрут: Дар Ибн Ҳазм.
28. Ас-Соғоний, А.-Х.-Х. (1979). Ат-Такмилату ва аз-зайлу ва ас-силату ли китаб таж ал-луғат ва сиҳаҳ ал-арабиййа (Т. VI). Қоҳира, Миср: Дар ал-кутуб.
29. Ас-Сойрафий, Х. (1971). Девон шеър ал-Мусаққиб ал-Абдий. Ар-Риёд, Саудия: Жамиат ад-дувал ал-арабиййа маъҳад ал-маҳтутот ал-арабиййа.
30. Ат-Табарий, А. Ж. (2001). Тафсир ат-Табарий жамъ ал-байан ан таъвил ойи ал-Қуръон (Т. V). Қоҳира, Миср: Дар хижр.
31. Ат-Термизий, А. (2016). Сунани ат-Термизий ва ҳува ал-жомъ ал-кабир (Т. III). Қоҳира, Миср: Дар ат-таъсил.
32. Ат-Тонаҳий, М. (2008). Мин асрор ал-луғат фи ал-китаб ва ас-сунна муъжам луғавий сақофий (Vol. II). Маккаи Мукаррама, Саудия: Дар ал-фатҳ ли ад-дироса ва ан-нашр.
33. Аҳмад, М. (2000). Ал-Макназ ал-кабир. Ар-Риёд, Саудия: Сутур.
34. Аҳмад, М. У. (2002). Ал-Муъжам ал-мавсуъий ли алфаз ал-Қуръон ал-карим ва қироатиҳи. Ар-Риёд, Саудия: Сутур.
35. Аҳмад, М. У. (2008). Муъжам ал-луғат ал-арабиййа ал-муъасиро (Vol. I). Қоҳира, Миср: Олам ал-кутуб.
36. Дузий, Р. (1981). Такмила ал-маъжм ал-арабиййа (Vol. IV). Бағдод, Ироқ: Дар ар-рашид.
37. Жабал, М. (2010). Ал-Муъжам ал-иштиқокий ал-муассол ли алфаз ал-Қуръон ал-карим ал-муассол би байан ал-алақот байна алфаз ал-Қуръон ал-карим би асватиҳа ва байна маъанийҳа (Т. II). Қоҳира, Миср: Мактаба ал-адаб.
38. Жуброн, М. (1992). Ар-Роид муъжам луғавий асрий. Байрут, Ливан: Дар ал-илм ли ал-малайин.
39. Зайнуддин ар-Розий, М. (1986). Мухтар ал-сиҳоҳ. Байрут, Ливан: Мактаба Лубнан.
40. Ибн Асир ал-Жазарий, М. А.-М. (1963). Ан-Нихоя фи ғариб ал-хадис вал асар (Vol. II). Қоҳира, Миср: Ал-Мактабат ал-исламиййа.
41. Ибн Дурайд, А.-Х.-А.-Б. (1987). Китаб жамҳара ал-луғат (Т. II). Байрут, Ливан: Дар ал-илм ли ал-малайин.
42. Ибн Манзур, А. Ф.-И.-М.-А.-Х. (1968). Лисан ал-араб (Vol. XIII). Байрут, Ливан: Дар содир.
43. Ибн Раслан, Ш. А.-М.-Р.-Ш. (2016). Шарҳ Сунаи Абу Довуд ли Ибн Раслан (Т. XVIII). Аммон, Иордания: Дар ал-Фалах.
44. Ибн Сайда, А. Х.-М. (2000). Ал-Муҳкам ва ал-мухит ал-аъзам (Vol. IX). Байрут, Ливан: Дар ал-кутуб ал-илмиййа.
45. Ибн Форис, А. Х. (1979). Муъжам мақойис ал-луғат (Vol. II). Байрут, Ливан: Дар ал-фикр.
46. Иброҳим ас-Самироий, Аҳмад Матлуб. (1960). Девон ал-Қутумий. Байрут: Дар ас-сақофа.
47. Иброҳим, Р. А. (2002). Муъжам ал-мусталаҳат ал-исламиййа фи ал-мисбаҳ ал-мунир. Қоҳира, Миср: Дар ал-афак ал-арабиййа.
48. Куроъ, А. Х.-Х.-Х. (1988). Ал-Мунажжаду фи ал-луғат. Қоҳира, Миср: Олам ал-кутуб.
49. Луис Маълүф, А.-А. А.-Я. (1970). Ал-Мунжид фи ал-луғот ва ал-адаб ва ал-улум. Байрут, Ливан: Ал-Матбаа ал-касуликиййа.
50. Мухйиддин Абдулҳамид, Абдуллатиф Ас-Субкий. (1987). Ал-Мухтар мин сиҳаҳ ал-луғат. Қоҳира, Миср: Матбаа ал-истиқома.
51. Ризо, А. (1958). Муъжам матн ал-луғат мавсуъа луғавиййа ҳадиса (Т. II). Байрут, Ливан: Дар мактаба ал-хаёт.
52. Руфайл Нахла, А.-А.-Я. (1957). Қомус ал-мутародифат ва ал-мутаҷанисат. Байрут, Ливан: Ал-Матбаа ал-касуликиййа.
53. Солиҳ ал-Алий, Сулаймон ал-Аҳмад. (1981). Ал-Муъжам ас-Софий фи ал-луғат ал-арабиййа. Ар-Риёд, Саудия: Ад-Дар ал-арабиййа ли ат-тибаъа ва ан-нашр.
54. Фаъур, А. (1988). Девон Зухар ибн Абу Салма. Байрут, Ливан: Дар ал-кутуб ал-илмиййа.
55. Ҳусайн, М. (1977). Девон ал-Аъша ал-Кабир Маймун ибн Қайс. Қоҳира: Матбаа ан-нурузиййа.
56. Яъқуб, Э. (1991). Девон Амр ибн Кулсум. Байрут, Ливан: дар ал-китаб ал-арабий.
57. Яъқуб, Э. (2004). Ал-Муъжам ал-муфасссал фи ал-жумуъ. Байрут, Ливан: Дар ал-кутуб ал-илмиййа.

SOURCES:

1. A.Mansur, A. M. (2018). Qur'oni karim ma'nolarining tarjima va tafsiri. Toshkent, O'zbekiston: Toshkent islom universiteti.
2. Abdulboqiy, M. (1945). Al-Mu'jam al-mufahras li alfaz al-Qur'on al-karimal-misriyya. Qohira, Misr: Matbaa dar al-kutub al-misriyya.
3. Abu Dovud, S.-A.-A.-S. (2009). Sunan Abu Dovud (T. VII). Damashq, Suriya: Dar ar-risala al-alamiyya.
4. Abu Nasr al-Javhariy, I. i. (2009). As-Sihah taj al-lug'at va sihah al-arabiyya. Qohira, Misr: Dar al-hadis.
5. Abu Haqqo, A. A. (2007). Mu'jam an-nafais al-kabir (Vol. I). Bayrut, Livan: Dar an-nafais.
6. Az-Zabiydiy, A.-M. M.-H. (1996). At-Takmilatu va az-zaylu va as-silatu lima fata sohib al-qomus min al-lug'at (Vol. VII). Qohira, Misr: Al-Hay'at al-omma li shu'un al-matobi' al-amiriyya.
7. Az-Zabiydiy, A.-M. M.-H. (2001). Taj al-arus min javahir al-qomus (Vol. XXXV). Al-Kuvayt, Kuvayt: Maktaba al-Kuvayt.
8. Az-Zaviy, A.-T. A. (1988). Muxtar al-qomus. Tunis, Tunis: Ad-Dar al-arabiyya li al-kutub.
9. Az-Zaviy, A.-T. A. (1990). Tartib al-qomus al-muhit (Vol. II). Bayrut, Livan: Dar al-fikr.
10. Al-Azhariy, A. M. (1976). Tahzib al-lug'at (Vol. XIV). Qohira, Misr: Dar al-misriyya li at-ta'lif va at-tarjama.

11. Al-Bustaniy, B. (1987). *Muhit al-muhit qomus mutovval li al-lug'at al-arabiyya*. Bayrut, Livan: Maktaba Lubnan.
12. Al-Vajiz, A. t. (1989). *Al-Mu'jam al-vajiz*. Qohira, Misr: Dar at-tahrir.
13. Al-Vasit, A. t. (2004). *Al-Mu'jam al-vasit*. Qohira, Misr: Maktaba al-shuruq ad-davliyya.
14. al-Jurjaniy, A.-S.-Sh. a.-H. (2004). *Mu'jam at-ta'rifat*. Qohira, Misr: Dar al-fadiyla.
15. Allush, A. A. (2001). *Al-Jomi' fi g'arib al-hadis* (Vol. II). Ar-Riyod, Saudiya: Maktabat ar-rushd.
16. Al-Moturidiy I, A. M. (2005). *Ta'vilot ahli as-sunnati: Tafsir al- al-Moturidiy* (T. I). Bayrut: Dar al-kutub al-ilmiyya.
17. Al-Moturidiy VIII, A. M. (2005). *Ta'vilot ahli as-sunnati: Tafsir al- al-Moturidiy* (T. VIII). Bayrut, Livan: Dar al-kutub al-ilmiyya.
18. Al-Muborakfuriy, A. (1940). *Tuhfat al-ahvaziy bi sharh jomi' at-Termiziy* (T. VII). Bayrut: Dar al-fikr: Dar al-fikr.
19. Al-Mutorriziy, A. A. (1979). *Al-Mug'rib fi tartib al-mu'rob* (T. I). Halab, Suriya: Maktaba Usoma ibn Zayd.
20. Alfaz al-Qur'on, M. a.-Q.-k. (1989). *Mu'jam alfaz al-Qur'on al-karim* (T. I). Qohira, Misr: Majma' al-lug'at al-arabiyya.
21. Al-Fayyumiyy, A. A.-M. (1982). *Al-Misbah al-munir fi g'arib ash-sharh al-kabir li ar-Rofii'y* (Vol. I). Qohira, Misr: Dar al-mao'rif.
22. Al-Fayyumiyy, A. A.-M. (1987). *Al-Misbah al-munir mu'jam arabiy-arabiy*. Bayrut, Livan: Maktabat Lubnan.
23. Al-Fayruzobodiy, M. M. (2008). *Al-Qomus al-muhit*. Qohira, Misr: Dar al-hadis.
24. Al-Farohidiy, A. A.-X. (2003). *Kitab al-ayn murattab ala huruf al-mu'jam* (Vol. II). Bayrut, Livan: Dar al-kutub al-ilmiyya.
25. As-Saharanfuriy, X. (2006). *Bazl al-majhud fi halli Sunan Abu Dovud* (T. XIII). Muzaffar pur, Hindiston: Markaz ash-Shayx Abul Hasan an-Nadviy.
26. As-Sa'labiy, A. (2002). *Al-Kashf va al-bayan tafsir as-Sa'labiy* (T. IX). Bayrut: Dar ihya at-turos al-arabiy.
27. As-Siddiqiy, A.-A. A. (2005). *Avn al-ma'bud ala sharh Sunan Abu Dovud*. Bayrut: Dar Ibn Hazm.
28. As-Sog'oniyy, A.-H.-H. (1979). *At-Takmilatu va az-zaylu va as-silatu li kitab taj al-lug'at va siyah al-arabiyya* (T. VI). Qohira, Misr: Dar al-kutub.
29. As-Soyrafiy, H. (1971). *Devon she'r al-Musaqqib al-Abdiy*. Ar-Riyod, Saudiya: Jamiat ad-duval al-arbiyya ma'had al-maxtutot al-arabiyya.
30. At-Tabariy, A. J. (2001). *Tafsir at-Tabariy jami' al-bayan an ta'vil oyi al-Qur'on* (T. V). Qohira, Misr: Dar hijr.
31. At-Termiziy, A. (2016). *Sunani at-Termiziy va huva al-jomi' al-kabir* (T. III). Qohira, Misr: Dar at-ta'sil.
32. At-Tonahiy, M. (2008). *Min asror al-lug'at fi al-kitab va as-sunna mu'jam lug'aviy saqofiy* (Vol. II). Makkai Mukarrama, Saudiya: Dar al-fath li ad-diroso va an-nashr.
33. Ahmad, M. (2000). *Al-Maknaz al-kabir*. Ar-Riyod, Saudiya: Suttur.
34. Ahmad, M. U. (2002). *Al-Mu'jam al-mavsui'y li alfaz al-Qur'on al-karim va qiroatihu*. Ar-Riyod, Saudiya: Suttur.
35. Ahmad, M. U. (2008). *Mu'jam al-lug'at al-arabiyya al-mu'asiro* (Vol. I). Qohira, Misr: Olam al-kutub.
36. Duziy, R. (1981). *Takmila al-maa'jim al-arabiyya* (Vol. IV). Bag'dod, Iroq: Dar ar-rashid.
37. Jabal, M. (2010). *Al-Mu'jam al-ishtiqoqiy al-muassol li alfaz al-Qur'on al-karim al-muassol bi bayan al-alaqot bayna alfaz al-Qur'on al-karim bi asvatiha va bayna ma'aniha* (T. II). Qohira, Misr: Maktaba al-adab.
38. Jubron, M. (1992). *Ar-Roid mu'jam lug'aviy asriy*. Bayrut, Livan: Dar al-ilm li al-malayin.
39. Zaynuddin ar-Roziy, M. (1986). *Muxtar al-sihoh*. Bayrut, Livan: Maktaba Lubnan.
40. Ibn Asir al-Jazariy, M. A.-M. (1963). *An-Nihoya fi g'arib al-hadis val asar* (Vol. II). Qohira, Misr: Al-Maktabat al-islamiyya.
41. Ibn Durayd, A.-H.-A.-B. (1987). *Kitab jamhara al-lug'at* (T. II). Bayrut, Livan: Dar al-ilm li al-malayin.
42. Ibn Manzur, A. F.-I.-M.-A.-X. (1968). *Lisan al-arab* (Vol. XIII). Bayrut, Livan: Dar sodir.
43. Ibn Raslan, Sh. A.-M.-R.-Sh. (2016). *Sharh Sunan Abu Dovud li Ibn Raslan* (T. XVIII). Ammon, Iordaniya: Dar al-Falah.
44. Ibn Sayda, A. H.-M. (2000). *Al-Muhkam va al-muhit al-a'zam* (Vol. IX). Bayrut, Livan: Dar al-kutub al-ilmiyya.
45. Ibn Foris, A. H. (1979). *Mu'jam maqoyis al-lug'at* (Vol. II). Bayrut, Livan: Dar al-fikr.
46. Ibrohim as-Samiroiy, Ahmad Matlub. (1960). *Devon al-Qutomiyy*. Bayrut: Dar as-saqofa.
47. Ibrohim, R. A. (2002). *Mu'jam al-mustalahat al-islamiyya fi al-misbah al-munir*. Qohira, Misr: Dar al-afaq al-arabiyya.
48. Kuro', A. H.-H.-H. (1988). *Al-Munajjadu fi al-lug'at*. Qohira, Misr: Olam al-kutub.
49. Luis Ma'luf, A.-A. A.-Ya. (1970). *Al-Munjid fi al-lug'at va al-adab va al-ulum*. Bayrut, Livan: Al-Matbaa al-kasulikiyya.
50. Muhyiddin Abdulhamid, Abdullatif As-Subkiy. (1987). *Al-Muxtar min siyah al-lug'at*. Qohira, Misr: Matbaa al-istiroma.
51. Rizo, A. (1958). *Mu'jam matn al-lug'at mavsua' lug'aviyya hadisa* (T. II). Bayrut, Livan: Dar maktaba al-hayot.
52. Rufail Naxla, A.-A.-Ya. (1957). *Qomus al-mutarodifat va al-mutajanisat*. Bayrut, Livan: Al-Matbaa al-kasulikiyya.
53. Solih al-Aliy, Sulaymon al-Ahmad. (1981). *Al-Mu'jam as-Sofiy fi al-lug'at al-arabiyya*. Ar-Riyod, Saudiya: Ad-Dar al-arabiyya li at-tiba'a va an-nashr.
54. Fa'ur, A. (1988). *Devon Zuhar ibn Abu Salma*. Bayrut, Livan: Dar al-kutub al-ilmiyya.
55. Husayn, M. (1977). *Devon al-A'sha al-Kabir Maymun ibn Qays*. Qohira: Matbaa an-numuzajiy.
56. Ya'qub, E. (1991). *Devon Amr ibn Kulsum*. Bayrut, Livan: dar al-kitab al-arabiy.
57. Ya'qub, E. (2004). *Al-Mu'jam al-mufassal fi al-jumu'*. Bayrut, Livan: Dar al-kutub al-ilmiyya.